

### АЛИШЕР НАВОИЙ ФЕНОМЕНИ ЁХУД ИЖОДИНИНГ ГЕРМАНИЯДА ОЛАМШУМИЛ АҲАМИЯТИ

**Ровияжон Абдуллаева,**  
филология фанлари доктори,  
профессор, фахрий академик

“Феномен”-...ноёб ҳодиса, фавқулодда қобилият эгаси<sup>1</sup> кимлар бўлиши мумкин. Жамятни бир босқичдан иккинчи босқичга талфатларсиз олиб ўтган биринчи Президентимиз **И.А. Каримовни**, она тилини адабий тил даражасига кўтарган “шамс ул-миллат” имиз Алишер Навоийни, худди Навоийга ўхшаб ўз она тили - намис тилини лотин тили исканжасидан қутқариб, немис адабий тили қилиб яратган буюк ислоҳатчи **Мартин Лютерни** ва ўн бир тилда бемалол илмий фикрлай оладиган Хумбольдт университети профессори И.Балдауф (Талхаммер) ни феномен<sup>2</sup> деса бўлади.

Навоийни Европа шарқшунослигида ўрганиш концепцияси, таржима тарихи, интерпретацияси, тадрижий ривожини кузатиш бир қадар кеч бошланган бўлса-да, бугун илмий йўналиш сифатида шаклланган, дейиш мумкин. Бу борада масаланинг у ёки бу қирралари ёритилган илмий-амалий, илмий - оммабоп ишлар ҳам амалга оширилган.<sup>3</sup> Бу ишларнинг аксарияти

<sup>1</sup> Русско-узбекский словарь. Гос.изд-во иностранных и национальных словарей. –Москва.1954. –С.921; Русско-узбекский словарь. В 2-х томах. Том II.Ўз СЭ Бош редакцияси. –Тошкент. 1984.–С.665.

<sup>2</sup>Phänomen [f]das;-s,-e;1.etw.,das irgendwo(z.B.in der Natur)vorkommt u.von Menschen beobachtet wird.PhänomenErscheinung <ein physikalisches,psychologisches,gesellschaftliches Phänomen;ein Phänomen beobachten,beschreiben,untersuchen, erklären>: das Phänomen der Generation// -К:**Natur** phänomen -2 etw.,das sehr selten ist und das man nicht versteht Phänomen Rätsel (3) <ein merkwürdiges,ungewöhnliches Phänomen;etw.ist für j-n ein Phänomen>:Es ist ein Phänomen für mich,wie j-d so hoch springen kann 3.Langenscheidts Großwörterbuch.Deutsch als Fremdsprache.Das neue einsprachige Wörterbuch für Deutschlernende. –Berlin-München- Leipzig;Wien-Zürich....1997. –S.738.

<sup>3</sup>*Исматуллаев Х.*,Навоий ижодини хорижий мамлакатларда ўрганишга доир:“Ўзбек тили ва адабиёти”журн.,1968.5-сон. – Б.13-17;*Исматуллаев Х.*,Жаҳонни забт этган шеърят.“Шарк юлдузи”журн.,1968.9 сон.–Б.215-225;*Ғуломова Д.*, Навоий ва Шекспир. „Ўзбек тили ва адабиёти”журн.,1968.6 сон.–Б.13-15; *Пулатов Ю.*,Асрларга тугаш ҳамкорлик.Ўзбекистон. –Тошкент.1974. –Б.20-24;*Пулатов Ю.*Ўзбекистонда чет эл адабиётини ўрганишга доир.Ўқитувчи.–Тошкент.1975.–Б.10-15; *Джўраев А.Саломов Г.*„О музе Наваи и переводческая мастерства Л.Пенковского”„Мастерство перевода”. Советская писатель. –М., 1981.–С. 270-284; *Ғоявий кураш ва ўзбек адабиёти*.Фан.–Тошкент.1985.–Б.113-122;*Холбеков М.*, Ўзбек адабиёти Францияда.Фан. Тошкент.1985. Б.5-16; *Каримов Ш.*, Жаҳонгашта шеърят.„Ёшлик”журн.,1988.2-сон. –Б.64-65;„Ёшлик”журн.,1988.2-сон. Б.64;*Нурмуродов Й.*,Навоий жаҳон кезади.Фан ва турмуш”.1991.2-сон.Б.8-9; *Каримов Ш.*Навоий олмон каломида.„Ўзбекистон адабиёти ва санъати”газ.,1991.31 май;*Исматуллаев Х.*,Навоий Лотин Америкасида.„Ўзбекистон адабиёти ва санъати”газ.,1991.27сент; *Саидов С.А.*Навоий ва А.Курелла. Республика Илмий анжумани дастури.Самарқанд.1991.Б.2; *Абдуазизов А.*„А.Навоий меросининг Оврўпо шарқшунослигида ўрганилиш тарихидан”. Республика Илмий анжумани дастури. Самарқанд. 1991. Б.2; *Валихўжаев Б.*, А.Навоий меросининг жаҳон адабиётида туган ўрни. Республика Илмий анжумани дастури.Самарқанд.1991.Б.1;*Мелиев С.*Данте ва Навоий. У.Ҳерман Вамбери ва Ғарб илмида Навоий лугатчилигининг вужудга келиши. Хоразм давлат муаллимлар тайёрлаш олий билимгоҳи профессор-ўқитувчилари анъанавий илмий анжумани (маъруза тезислари). –Урганч.1991.–Б.23. *Сотимов У.*, Ғарб танқидчилиги Навоийнинг саройдаги расмий лавозими хусусида. Изланишлар, тадқиқотлар, кашфиётлар.Ал-Хоразмий номидаги УрДУ.–Урганч.1993.–Б.3;*Абдуллаева Ровияжон.*Навоий ва Бобур. „Вазият” журн.,2006.15февр;*Абдуллаева Ровияжон.*Ғарб олимлари Навоий ва Бобур ижоди ҳақида.„Ўзбек тили ва адабиёти” журн., 2007.1-сон. –Б.40-45;*Абдуллаева Ровияжон.*Алишер

мазкур масалани ўрганиш тадрижга доир хронологик обзор бўлиб, улар Навоий ижодининг Европага кириб бориш эволюцияси ҳақида тасаввур пайдо қилиш билан бирга фактик маълумотлар ҳам беради. Х. Вессел Навоийнинг 20 дан ортиқ тилга ўгирилган :

*Олам аҳли билингизким, иш эрмас душманлиг,*

*Ёр ўлинг бир-бирингизгаким, эрур ёрлиг иш*

сатрларига эътибор қаратгани, бу байт Х. Вессел наздида дўстликнинг руҳий чақириғи бўлиб янграгани, мижоз Х.Вамбери, француз П.де Куртейл, инглиз Ч. Рьёнинг сайъ - ҳаракатлари туфайли хорижда навоийшунослик йўналиши вужудга келгани таъкидланган.<sup>4</sup> Қиёсий адабиётшунослик йўналишида Навоий ижодига бағишланган диссертация, монография ва рисолалар пайдо бўлган.<sup>5</sup> Манбалар ичида У. Сотимовнинг “Муштараклик” (асрлар оша Ҳофиз - Навоий - Гёте мушоираси) тадқиқоти, „Инкордан иқроргача”(1994), „Навои и Запад” (1996) каби рисола, илмий-танқидий монографиясида Фарбий Европа шарқшуносларининг Навоийни англаш йўлидаги урунишлари, хато ва камчиликлари, шоир адабий меросини инкоридан иқроригача бўлган давр,

---

Навоий афоризмлари немис тилида.(ЎзФА А.Навоий номидаги ТАИ институти, Ёзувчилар уюшмаси А.Навоий адабий ва илмий меросини ўрганиш масалаларига бағишланган илмий анжуман дастури) 2010.8февр;*Абдуллаева Ровияжон*.Германияда навоийшунослик.,„Ўзбек тили ва адабиёти”.2010.3-сон.–Б.22-27;*Абдуллаева Ровияжон*.Навоийнинг немис тадқиқотчилари. Жаҳон адабиёти.2011.2-сон.–Б.125-131;*Абдуллаева Ровияжон*. Германия навоийшунослиги тарихидан. А.Навоий ижодий ва маънавий меросинининг оламшумил аҳамияти. –Тошкент. 2011.28-29 сент. –Б. 57 - 60; *Абдуллаева Ровияжон*. Навоийнинг немис таржимони ва тадқиқотчиси.Ўзбек тили ва адабиёти.2014.1-сон.–Б.20-28.*Абдуллаева Ровияжон*.Шарқу Фарб маъвосида.ЎзАС.2015.6 февр. *Абдуллаева Ровияжон*. Қуш тили халқаро антологияси хусусида фикр-мулоҳазалар.Алишер Навоий ва ХХІ аср. –Тошкент.Тамаддун.2016.23май.–Б.221-226;*Abdullaewa Rawijashan*. Spezifische Schwierigkeiten der adäquaten Übersetzung von Sinnsprüchen Alischer Nawois.In: Kordula Schulze,Natalya Tyan,Laura Engelhardt (Hrsg von T.Tomasek, Elmar Neuß, Kordula Schulze) Usbekisch-deutsche Studien IV. Kontakte: Sprache, Literatur,Kultur, Didaktik.–Münster-Taschkent. 2016. –S. 165-175; *Абдуллаева Ровияжон*.Таржима.Таҳлил.Муаммо ёхуд,пишибетмаган ва оғизга тушмаган”ғазаллар таржимаси хусусида.Китобхонлик маданияти ва бадиий таржима маҳорати. –Самарқанд.2июнь.2017.–Б.93-99; *Абдуллаева Ровияжон*.А.Навоий ғазаллари таржимасида АНАТИЛнинг ўрни ва роли. Лексикографиянинг замонавий муаммолари (назария,амалиёт ва инновация).–Тошкент.2017.–Б.13-28;*Абдуллаева Ровияжон*. Немис навоийшунослигининг тараққиёт босқичлари.Ўзбекистон таржимашунослари форуми. –Тошкент.2017. –Б.122-134; *Абдуллаева Ровияжон*. Фарб олимлари Навоий ва Бобур ҳақида. – Андижон.2017. –Б. ; *Абдуллаева Ровияжон*. „Навоий-бенаво”мақоласи хусусида.Алишер Навоий ва ХХІ аср. –Тошкент.2017. –Б.218 -226; *Абдуллаева Ровияжон*.Сарҳад билмас шеърят (Навоий ижодининг Германияда ўрганилиши хусусида)(монография).–Тошкент. 2015.

<sup>4</sup> *Каримов Ш.*, Жаҳонгашта шеърят. „Ёшлик”журн., 1988. 2-сон. –Б.64.

<sup>5</sup> *Якубов С.Б.*„А.Навои на немецком языке”. К проблеме взаимодействия и взаимообогащения литератур, на основе материалов литературных связей Узбекистана и ГДР.НДА. –Ташкент. 1981; *Сотимов У.*, Муштараклик (Асрлар оша Ҳофиз - Навоий - Гёте мушоираси). „Гулистон” журн., 1989. 2-сон. Б.22-23;*Саттарова З.*, А.Навоий мероси ва Фарбий Оврўпо танқидчилиги. Республика Илмий анжумани дастури. –Самарқанд. 1991.– Б.2; *Абдуллажонов А.*„Навоий асарлари немис тилида”. Республика ёш адабиётшуносларининг анъанавий илмий конференцияси материаллари. Тошкент.1993. –Б.82-83; *Сотимов У.* „Инкордан иқроргача”.Урганч.1994; 6.*Сотимов У.* „Навои и Запад”. Фан. Ташкент.1996;*Сотимов У.*„Исследование жизни и творчества Алишера Навои в западно европейском востоковедении”. АДД.Институт Мировой литературы. РАН.–Москва.1998;*Абдуллажонов А.*Навоий бадииятини немисча таржималарда қайта яратиш ва табдил этиш.НД; НДА. –Тошкент.1998; *Абдуллажонов А.*„Немис комусларида Навоий ёди”. Адабиёт кўзгуси. (илмий тўплам).7- сон. А.Қодирий номидаги „Халқ мероси” нашриёти. –Тошкент. 2002. – Б.30-31.

бахс-мунозараларга бой адабий жараён ишончли фактлар билан ёритишга ҳаракат қилинган.

„Навоий ва Шекспир” (Д.Ғуломова), „Данте ва Навоий: Юксак фазоларда учрашув”(С.Мели) мақолаларида фикр муштарак нуқталарга қаратилса, А.Абдуллажоновнинг „Навоий бадииятини немисча таржималарда қайта яратиш ва табдил этиш” диссертациясида „Навоий адабий меросининг Германияга тарқалиш тарихи, маснавий таржимасида пейзаж, таржимада мазмун ва шакл бирлиги, Навоийнинг иқрори „*Муножом*”нинг хосликлари, ҳикматли сўзлар таржимаси” масалаларини ёритиш мақсад қилинган. Асарлар илмий - методик жиҳатдан қиёсий аспектда таҳлил қилинган. „*Муножом*”, баъзи ғазаллар мисолида бадиий санъатлар таржимасининг хослиги, табдилда жанр бош масала эканини исботлашга уринилган. Бадиий санъатлар тикланмай қолгани, натижада аслият мазмуни немис ўқувчисига етмагани, радиф ўрнига бошқа санъатлар яратилгани, немисчада бу санъатлар мавжуд эмаслиги таҳлил қилинган. Иш „*миллий адабиёт тарихи*” мутахассислиги бўйича ҳимоя қилинган бўлса-да, мақсад таржимани қиёсий аспектда таҳлил қилиш бўлган. Бироқ, унинг „Маснавий таржимасида пейзаж” фаслидаги: „*Навоий пейзаж яратишининг буюк устаси. „Фарход ва Ширин”нинг А. Курелла таржима қилган XVII боби гўзал манзаралари шоирнинг пейзаж яратиш санъаткорлигини ёрқин намоеън этади. Таржима учун ... шу бобнинг танлаб олиниши бекорга эмас ...шу табиат тасвири А.Куреллани мафтун қилган*” - деган фикрларига қўшилиш қийин. Шоир асарларида мафтункор табиат манзаралари тасвирига эътибор қаратганига шубҳа йўқ. У пейзаж яратишнинг буюк устаси. Бу ҳақда Навоий ижодида табиат ва инсон муносабатларининг бадиий талқинларини тадқиқ этишга бағишланган мақолалар, монографиялар ёзилган. „Пейзаж яратишда Алишер Навоий маҳорати”<sup>6</sup>, Навоий ижодининг ахлоқий ва фалсафий - эстетик моҳиятини ёритувчи, бадиий маҳорат қирраларини очишда хос саҳифа бўладиган

„*Природа и поэтика Алишера Навои*”<sup>7</sup> китобини эслаш мумкин.

Муаллиф фикрича, табиат тасвири фақат шоирнинг „*Фарход ва Ширин*” достонида эмас, барча асарларида, нафақат унинг табиат гўзаллигини тасвирлашдаги маҳорати, сўз санъаткорлиги, мусиқани, сўзни, ранг тасвир устаси мусаввир иқтидорини бир нуқтага жамлаб, унинг композициясини, тасвирини уйғунлаштира олган қомусий ижодкорлиги сезилиб туради.. Аммо, „...*Навоий табиат гўзалликлари орасида асосий идеяни йўқотиб қўймаган,*

<sup>6</sup> Эркинов А.С., „Мастерства Алишера Навои в создании пейзажа” (на примере поэмы „Садди Искандари”. АҚД. 1990.

—С.22.

<sup>7</sup> *Набиев Ф.Ш.*, Природа и поэтика Алишера Навои. Фан. —Тошкент. 2008.

унда ҳар вақт *етакловчи тамойил аниқ кўриниб турган*”<sup>8</sup> А.Курелланинг мақсади фақат парча таржима қилишмас, дostonни тўлиқ ўгириш бўлган. Ниятини амалга ошишига Иккинчи жаҳон уруши ҳалақит берган. Унинг таржимага „*Фарход ва Ширин*” дostonини танлашига келсак, уни табиат гўзаллигидан кўра, Фарходнинг мардлиги, жасорати, комил инсонлиги мафтун этган бўлиши айна ҳақиқат.

Қадимдан Шарқ шеърлятидаги инжу ташбехлар, жозибали оҳанглар, ўзига хос сирли - сеҳрлилик, ўткир фалсафий мушоҳада, ғоя ва образлар силсиласи Европа донишмандлари, мутафаккирлари, шоиру-шуароларининг диққатини ўзига оҳанрабо янглиғ тортган. „*Шарқнинг кўплаб маънавий бойликлари ардокланиб, бизнинг тилимизга кириб келаятган бир даврда, биз минг йиллар мобайнида шунчалар кўп буюк гўзаллик ва эзгуликни берган ва бундан кейин ҳам бериши мумкин бўлган Шарққа диққатимизни жалб этсак арзийди*”, деган эди Й.В.Гёте.<sup>9</sup> Й.П.Эккерманн „*Шарқ ҳақида Гёте хотиралари* китобида Гётенинг „*Биз ўзимиз Шарққа интиломимиз лозим, акс ҳолда Шарқ ҳеч қачон бизнинг қошимизга келмайди*”, деган фикрини эслатади. Француз шарқшунослик мактабининг асосчиларидан бири **Густав Дугам** ҳам „*Orientalisme Vende classique*” қўлланмасида, гуманитар фанлар ривожиди ...Антик дурдоналарни ҳал қилиш учун фақат грек ва лотин илми етарли эмаслигини исботлаб, Шарқни ўрганишга чақирган.<sup>10</sup>

Навоий ижодининг Германияга тарқалиш тарихи 1583 йилда „*Сабъаи сайёр*” дostonининг немис тилида Базелда чоп этилгани билан бошланади. Е.

Э.Бертельснинг фикрича, „*Сабъаи сайёр*” немисчага илк дафъа италянчадан Й.Ветцел ўгирган. Италянчага эса форсчадан. Й.Ветцелгача Х. Табризийнинг „*Сарандип*”<sup>11</sup> шоҳининг уч ўғли ва уларнинг ажойиб саргузаштлари”нинг иккинчи қисмида „*Сабъаи сайёр*”даги „*Баҳром ва Дилором* қиссаси сюжетида фойдалангани маълум.

Мазкур асар немис, француз, голланд тилларида нашр этилган.<sup>12</sup> Асарнинг иккинчи қисми 20 - йилларда Германия адабий муҳитига кириб борган, *Томас Бенфей* немисчага ўгирган. Олдинги немисча таржималарда фақат биринчи қисм Хусрав Дехлавий „*Хамса*”сини ўз ичига олган. „*Сайёр сюжет*”дан фойдаланиб яратилган бу асар ҳақида „*Рус шарқшунослигида Навоий ижоди масалалари*”<sup>13</sup>да айtilган. Ҳатто, илм оламида Х. Табризий „*Хамса*” (Навоий)

<sup>8</sup> Жалолов Т., „Хамса талқинлари”. ЎзССР Давлат бадий адабиёт нашриёти. Тошкент. 1960. Б.19.

<sup>9</sup> Гёте И.В., „Западно - восточный диван”. –Москва. Наука. 1988. –С. 141.

<sup>10</sup> Кессел Л.М., Гёте и Западно восточный диван. Наука.–М., 1973.–С.36-40.

<sup>11</sup> (Н.Б.Рабғузидда „Сарандип” - бу „Цейлон” деб кўрсатилган -А.Р.

<sup>12</sup> Табризий Х. Сарандип шоҳининг 3 ўғли ва уларнинг саргузаштлари.–Венеция.1557; Ўша асар.–Базель.1583; –Лайпцих.1630;1723.

<sup>13</sup> Каримов Г., Рус шарқшунослигида Навоий ижоди масалалари.Ўзбек филологияси масалалари.ТошДУ.1970.

билан ҳам таниш бўлган деган тахминлар ҳам йўқ эмас.<sup>14</sup> Шундан сўнг Навоий адабий мероси турли даврларда немис, инглиз, француз, чех, венгер, поляк, румин, испан, серб, форс, рус, турк каби тилларда пайдо бўлди, йиллар давомида қайта-қайта нашрдан чиқди. Адабий жараёнда ғарб олимлари фикр билдириб, илмий-назарий, амалий аспектда тадқиқотлар, диссертация, монография, рисола ва публицистик характерда қатор мақолалар юзага келган.<sup>15</sup>

Шоир девонлари тириклик чоғларидаёқ жаҳоннинг турли тарафларига чопарлар орқали жўнатилган. Шон-шуҳратда тенгсиз ҳукмдорлар ҳам Амир Алишербек қаламига мансуб девон, қўлёзмаларни хос кутубхоналарда асраб - авайлаганлар, ҳикмат-у латиф каломларидан баҳраманд бўлганлар. Навоий адабий меросининг Европада тарқалиши, тарғиб қилинишининг бош сабаби,

<sup>14</sup> *Исмаилов Х.*, Жаҳонни забт этган шеърят. Шарқ юлдузи. 1968.–Б. 215-225.

<sup>15</sup> *А. Навоий* „Сабъаи сайёр“ (нем. т. да). –Базель. 1583; 1599; –Лайпцих. 1630; 1723. *Габриэль Х.*, Сарандип шоҳининг 3 ўғли ва уларнинг ажойиб саргузаштлари (1 қисм Х. Дехлавийнинг „Ҳашт биҳишт“ (8 жаннат), 2 қисм Навоийнинг „Сабъаи сайёр“ и асосида ёзилган). –Венеция. 1557; *Каммер Э.*, Шарқ туркий адабиёти хрестоматияси. –Париж. 1841; *Х. Вамбери*. Абушка. (можорт. да) –Пешт. 1862; *H. Vambery*. Caghataische Sprachstudien. –Leipzig. 1867. –S. 173-193. („Махбуб ул-қулуб“ –Б. 173-177, „Ғазаллар“, –Б. 177-180, „Фарход ва Ширин“, –Б. 180-187, „Сайфул-мулк“, –Б. 187-193. („Сайфул-мулк“ Навоийники эмас, *Вамбери* адашган); *Чарльз Рьё*. Британия музейида сақланаётган туркий қўлёзмалар каталоги (1 қисм Навоий ҳақида). – Лондон. 1888. –Б. 273; *M. Hartmann*. Caghataisches. Die Grammatik ussi lisani turki des Mehemed Sadik. –Heidelberg. 1902; *Materialien zu einer Geschichte der Sprachen und Literaturen des Vorderen Orients*. Heft 2. –S. 74-85; *Бартольд В. В.* „Мир Али Шер и политическая жизнь“. 1928. (Нем. т. га тарж. сўз боши (–Б. 142-149) *X. Румер*). 1931. „Ислом“ журн., 19 жилд.); *H. R. Roemer*. Staatsschreiben der Timuridenzeiten. Das Saraf-nama des Abdallah Marvarid in kritischer Auswertung. Pers. Text in Faksimile (Hrsg. Ist. Uni. F. 87). –Wiesbaden. 1952. Akademie der Wissenschaften und der Literatur. Veröffentlichungen der Orientalischen Kommission. B. 3. –S. 224-75; *C. Brockelmann*. Nawais Biographien türkischer und zeitgenössischer Mystiker. In Documenta islamica. inedita. Akademie Verlag. –Berlin. 1952. (Hrg. J. W. Fück). –S. 221-250; *А. Навоий*. Фарход ва Ширин (*А. Курелла* тарж.). Зовйет литератур. 1946. 1-сон; „Йилнинг 4 фасли“ „Фарход ва Ширин“ парча (*А. Курелла* тарж.). Нойе Велт. 1946. 5-сон; Танланган шеърлар (рум. т. да) –Бухарест. 1957-1958; „Literaturen der Volker der Sowjetunion“ –Leipzig. 1967. (*Г. Дудек* „Муҳокамат ул-луғатайн“, „Девони Фоний“, „Ҳамса“, Лисон ут-тайр“ ларга фикр билдирган); „Фарход ва Ширин“ (венгер. т. да). –Будапешт. 1974; Ғазал ва рубоийлар (серб т. да). Ўзбек поэзияси антологияси. „Прозирна река“ („Тиниқ дарё“). *Льупчо Стойменски* тарж. Македонская книга. –Македония. 1984; *Мир Алишер* (чех т. да). –Прага. 1975; *Бечка И.*, Навоий Чехословакияда. Шарқ юлдузи. 1968. 7-сон; *Изнага Алицидес*. Ўзбек адабиётининг асосчиси. (исп т. да). –Гавана. 1973; *Мухаммад Якуб*. Наваи. 525 летию (франц. т. да). Лотос. 2-3-сон. –Каир. 1968; *Воҳиди Жузжоний*. А. Навоийнинг 525 йиллиги (форс. т. да). –Қобул. 1967; *А. Навоий* (полякт. да). Варшава. 1961; Навоий афоризмлари (полякт. да). Варшава. 1970; *Бартольд В. В.*, Мир Алишер Наваи (ингл. т. да). –Қобул. 1968; *Наваи Низамиддин Алишер*. Литература народов СССР (ингл. т. да). 1967; Данные об А. Наваи (венгер т. да). –Будапешт. 1976; Навоий „Ҳамсат ул мутаҳаййирин“ парча. (франц. т. га *Ф. А. Белен* тарж.). „Азиатик“. 1961. февраль сони. –Б. 239-299; „Мажолисун-нафоис“ парча (франц. т. га *Ф. А. Белен* тарж.). „Азиатик“ 1961; Навоий. „Ҳамсат ул мутаҳаййирин“ (фран. т. га *Ф. А. Белен* тарж.). „Азиатик“ 1961. апр-май сони. Б. 304-357; *А. Навоий* „Махбуб ул-қулуб“ (франц. га *Ф. А. Белен* тарж.). *Белен Ф. А.* Моралисты Востока. –Константинополь. 1966. –Б. 4-58; *Белен Ф. А.*, А. Навоий ҳаёти ва ижоди ҳақида очерк (франц. т. да) –Париж. 1968; А. Навоий ижоди ҳақида танқидий фикр ва мулоҳазалар (турк т. да). –Истанбул. 1979; А. Навоий. Шириннинг Фарходга мактуби (франц т. га *П. Люкье* тарж.). Ла литератур советик. 1948. 1-сон. –Б. 55-57; *Р. Зиполи*. Навоийнинг Ҳофиз ғазалига жавоб ғазали. (500 йиллик конф. тезиси). –Тошкент. 1991. –Б. 4-5; *Маурицо Пистозо*. Рукописи с сочинениями Алишера Наваи, хранящиеся в библиотеках Италии; А. Наваи (тўплам). Фан. –Тошкент. 1991. –Б. 45-46; *Мухаммад Собир*. „А. Навоийнинг „Ҳайратул аброр“ маснавийси ҳақида тадқиқотлар“. ДД. –Покистон. „Ўзбек тилшунослиги масалалари“. –Т. 1973. –Б. 19-20; *Роберт Деверек* „Муҳокаматул луғатайн“ ни шарҳлаган, қайта таҳрир қилган инг. ча тарж. Лайден нашриёти. 1966; *А. Шиммель*. „Жонон менинг жонимда“ „Шарқ“ нашриёти. –Тошкент. 1999. –Б. 91-93 („Лайли ва Мажнун“ „Фарход ва Ширин“ ларга муносабат билдирилган); *F. Leschnitzer*. „Heute und Morgen“. 1952. Н. –S. 20-21; *G. Tekin*. „The Motif of Cypress-river-beloved one-Garden“. In: Nevā'ī's and Ahmed Pāsā's Poetry and its Archetype. Oriente Moderno 15(76). 2. 1996. S. 463- 483

1519 йилда Лўвенда Шарқ оламига кизиқувчи ориенталистларнинг пайдо бўлиши ва 1530 йилда „*Уч тиллик институт*“<sup>16</sup>нинг ташкил қилинишидир. Бу фактлар Навоий немисларга XVI асрдаёқ таниш бўлган, деган фикрни билдиради. Демак, адабий алоқалар, таржимачилик, навоийшуносликнинг тарихий илдизлари ҳам ўша асрларга бориб боғланаркан. *Фарбу - Шарқ* адабий - маданий алоқаларининг тарихий илдизи, бундан-да чуқурроқ. Аслида, бу VII асрларда арабларнинг Испанияни босиб олишлари билан боғлиқ. Улар Испанияда хукмронлик қилиб, ўзларининг миллий ҳаёт тарзи ва маданиятларини давом эттиргани тарихдан маълум. Чамаси 250 - 300 йиллар муқаддам Фарб адабий-маданий доираларида *филоореанализмга*, Шарққа диққат - эътиборни қаратиш, уни изчил ўрганиш ғояларига мойиллик кучайган давр эди. Бу тенденция узок давом этади. XVIII аср охирларида Париж Фарб шарқшунослигининг ягона марказларидан бирига айланади. 1795 йилда *Сильвестре дў Саси* (1758-1838) ташаббуси билан „*Шарқ жонли тиллари мактаби*“<sup>17</sup> очилади. Германияда форс-тожик, араб забонли Шарқ ижодкорларининг адабий меросларини ўрганиш, тадқиқ, таржима қилиш урф бўла боради. Ҳ. Пургштал, Й. Г. Ҳердер, Й. В. Гёте, Ф. Рюккерт, Ҳ. Вамбери каби немис, можор олим, ёзувчи, шоирлари бир овоздан „*Шарқлашмоғимиз керак!*“ деб чиққан эдилар.

XVIII-XIX асрларда, Европада *филоореанализм* кучайган пайтда, Фарб маданий доираларининг сабий-ҳаракатлари билан *Шарқнинг етти буюк алломаси: Фирдавсий, Анворий, Низомий, Румий, Саъдий, Ҳофиз, Жомий*лар ижоди Европага кириб келди. Булар орасида *Навоий* номи учрамайди.

Аммо, *Бартолеме дў Ербело Моленвильн*нинг француз тилидаги „*Шарқ кутубхонаси*“ (1697) китобида шоир ҳақида 2 та мақола берилган. 99 саҳифадаги „*Алишер*“ сарлавҳали биринчи мақолада Навоийга куйидагича таъриф берилган, „*Уни Алишер ёки Мираллишер Навоий деб аташади. Бу ном „Али“ ва „Шер“ сўзларидан ташкил топган. Алишер Хуросонда вазир бўлиб, шухрат қозонган. У йирик олим ва ширинсухан шахс бўлган, Ҳиротда ...бой кутубхона яратган*“ деса, иккинчи „*Навоий*“ (661 б) мақоласида „*Навоий-Низомиддин Мир Алишернинг тахаллусидир, теурийлар авлодидан бўлган бу шахзода... Султон Ҳусайннинг вазир эди. У туркий вафорсийда газаллар битган, „Фарҳод ва Ширин“, „Лайли ва Мажнун“, „Садди Искандарий“, „Сабъаи сайёр“ дostonлари бор, 4та девон ёзиб қолдирган. Улар „Ғаройиб ус-сизар“, „Наводируш-шабоб“, „Бадойи ул-васат“, „Фавойид ул кибар“ бўлиб, болаларга, ўсмирларга, ўрта ёшдагилар, кексаларга аталгандир. Навоий*

<sup>16</sup>Zur Geschichte des Türkisch - Lernens in den deutschsprachigen Ländern. Feldkirchenstrasse 21. –Bamberg. 1987.

<sup>17</sup>Холбеков М., „Алишер Навоий ижоди Фарангистонда“. Таржима муаммолари. –Тошкент. 1991. –Б.91.

906 ёки 912 йилда вафот этган. .. дў Ербелода „Хамса“даги „Ҳайратул-аброр“ достони тушиб қолган, „Хазойин-ул маоний“асари нотўғри талқин этилган.Шоир вафоти санаси ҳам нотўғри. Ушбу камчиликлардан қатъий назар дў Ербелонинг қомусидаги мақолалар Навоий ижоди билан фаранг жамоатчилигини илк дафъа таништирган манба сифатида қимматлидир”, дейилган „Алишер Навоийнинг фарангистонлик мухлислари“<sup>18</sup> мақоласида.

А. Абдуазизов Навоий меросининг халқаро аҳамияти, унинг „Жаҳон аро буюклик“<sup>19</sup> ҳақидаги изланишларида бир-бирига зид фикрлар учрагани билан келтирилган фактик материаллар муҳимдир. Бироқ Навоий ижоди ғарбий ва шарқий тилларга қай даражада таржима қилинган ва ўрганилган?

Мақолаларда профессорнинг Европа шарқшунослари фаолиятларини бир ёқлама ўргангани, жаҳон адабий жараёни, танқидчилиги, ғарбшуносларнинг кейинги йиллар фикр-мулоҳазаларидан беҳабарлиги сезилади.

Шу давр адабий жараёнида „Ғарб шарқшунослари Навоий... ижоди билан чуқур шуғулланмасдан, унга тухмат қилиб, уни тақлидчига чиқариб қўйдилар. „Навоий - таржимон“, „Навоий Хисрав Деҳлавий, Низомий ва Жомийларнинг таржимонидир“, „Навоий тақлидчи“ деган ғайри илмий даъволарни олға сурдилар.<sup>20</sup> Ҳатто 20- йилларда шоирнинг насли-насабини, миллатини аниқлашга зўр бериб уриниб, „Алишер Навоийни „уруғи - насли ҳам, тили ҳам ўзбекча бўлмағон, балки чиғатой ёки уйғур шоири“, „форс шоири“ (А.Саъдий)<sup>21</sup> деб даъво қилгувчилар ҳам бўлган...”

### Навоий ва Бобур

Немис забон ҳудудларда XV асрдан, то XX аср ўрталаригача файласуф шоирнинг оригинал ижодкор сифатидаги буюклиги, узоқ йиллар тан олинмасдан, унга фақат „давлат арбоби, вазир“ деб қаралган. У ҳақда: „нусҳакаш“, „кўчирмачи“ „форс адабиёти намуналари таржимони“, „сарой шоири“, „шаҳар зодағони“ , „миллати уйғур“ каби сохта ҳукмлар чиқариб келинганини эсладик. Тахмин қилиш мумкинки, „Бобурнома“ ғарб тилларига ўгирилганидан кейин Ғарб мамлакатларида Навоий ижоди ва шахсиятига жиддий қизиқиш уйғонган. Ғарб олимлари Навоийнинг давлат арбоби сифатидаги „улкан тарихий хизматлари“га эътиборларини қаратган эдилар.Улар ўша хизматларининг ўзи Навоий номини абадиятга муҳрлашга

<sup>18</sup> Адабиёт гулшани.(Ўзбек филологиясига доир тадқиқотлар)1- китоб.,„Меҳнат“.-Тошкент. 1999.-Б.109-110.

<sup>19</sup> Абдуазизов А.А., Навоий меросининг халқаро аҳамияти. –Тошкент.Фан..1991.–Б.77;\_Халқ сўзи газ.,1991 йил 29 май.

<sup>20</sup> Отажонов Н. „Энг фикри ўткир“. „Ёшлик“ журн., 1988. 2-сон. –Б.63-65.

<sup>21</sup> Каримов Б., Жадид мунаққиди Вадуд Маҳмуд.–Тошкент. Университет. 2000. –Б.76.

етарли, деган хулосага келганлар. Шоир шахси ва фаолиятига бу янглиғ бир ёклама муносабат даҳо шоир ижоди камситилганини исботлайди.

Германияда Навоий *Бобур* номи билан ёнма-ён тилга олинади. Сабаби, Бобур ва „*Шарқ Цезарининг хотиралари*“ (Вамбери) „*Бобурнома*“нинг Европада ҳаддан зиёд оммалашганидир. Немис туркийшунос, файласуф ва сиёсатдонлари „*Бобурнома*“ни астойдил, синчиклаб ўқиб чиққанлар, шу аснода, Навоий шахсиятига қизиқишган. Америкалик *Крейг Кеннеди* „*Сиз Навоийни биласизми?*“ саволига: „*Афсуски, кўпчилик америкаликларга Навоий яхши маълум эмас. Уни фақат мутахассисларгина биладилар. Америкада Навоий ҳақида бир неча мақола ва китоблар чиққан. Менимча, бу ...жуда оз. Истардимки, америкаликлар шоир ижоди ҳақида тўлароқ тасаввурга эга бўлсалар. ...Бизда Беруний, Абу Али ибн Сино, Бобур каби сиймоларни... яхши билишади... „Бобурнома“нинг таржимаси ва асл нусхаси биргаликда нашр қилинган, ...ўзбек тилини биладиган дўстларим билан Бобур ҳақида кўп гаплашганимиз, Навоий ҳақида...кам, ...мен Навоий учун балки иш қилмасман, бироқ Ўрта Осиё маданияти ва тарихи учун иш қилмоқчиман. Чунки Ўрта Осиё маданияти билан Навоий ижоди ўртасида буюк бир алоқа бўлиб, илмий ишим... Навоий асарларини, шахсини Америкада тарғиб қилинишига ёрдам беради, деб умид қиламан*“<sup>22</sup>

Мирзо Бобур мемуарида нафақат Навоийнинг насли насаби, келиб чиқиши, ҳасби ҳолини ифодалаган, руҳияти, характерини ёритиб беришга ҳаракат қилган, балки шоир *анъанасини* туркий тилда давом эттирган *издоши* сифатида ҳам гавдаланади.

Китобнинг „*Вақоеи санаи ихдо ашарачка тисъа миа*“ 911 бобида муаррих Султон Хусайн вафотига тўхталиб, ул зотнинг яқин кишилари қаторида Навоийни ҳам санаб, қуйидагиларни битади: „*Яна Алишер Навоий эди, беги эмас эди, балки мусоҳиби эди, кичиклигида ҳаммактаб экандурлар. Хусусият бисёр экандур. Билмон, не жарима била Султон Абдусайд Мирзо Хирийдан ихрож қилди. Самарқандга борди, неча йилким, Самарқандта эди, Аҳмад Хожибек мураббий ва муқаввийси эди. Алишербекнинг мизожи нозук била машҳурдир. Эл назокатини давлатининг гуруридан тасаввур қилур эрдилар. Андоқ эмас экандур, бу сифат анга жибиллий экандур. Самарқандта эканда ҳам ушмундоқ нозук мизож экандур*“<sup>23</sup>

Яна Бобур Навоийнинг баъзи ҳолатларда сўздан мутаассир бўлиб, йиғлаб юборишига алоҳида урғу берган Айни пайтда, саховатпешалигига қойил

<sup>22</sup> „Ёшлик“ журн., 1988. 2-сон. –Б.68.

<sup>23</sup> *Бобур* З.М., „Бобурнома“. –Тошкент. 1960. –Б.233. Нашрга мурожаат қилинганда саҳифа қавс ичида берилади

қолганлигини изҳор этади: „Аҳли фазл ва аҳли ҳунарға Алишербекча мураббий ва муқаввий маълум эмаским, ҳаргиз пайдо бўлмиш бўлғай” (233)

Яна подшоҳдан ҳеч нарса таъма қилмаганлигини таъкидлаб ўтади. „...Авойил муҳрдор эди, авосит бек бўлуб, неча маҳал Астрободта ҳукумат қилди, авохир сипоҳиликни тарк қилди. Мирзодин нима олмас, балки йилда мирзога куллий маблағлар пешкаш қилур эди” (233)

Навоийнинг бой-бадавлатлигини, аммо мол-дунёга ҳирси йўқлигини, пулларини эзгулик йўлларида сарфлаганини ёзади: „Мунча бинойи хайрким, ул қилди, кам киши мундоққа муваффақ бўлмиш бўлғай” (233) Бу далиллар ғарбликларни бефарқ қолдирмади. Ғарб шарқшунос, сиёсатдонлари шу тариқа Навоий шахсиятини тадқиқ этишга киришиб кетадилар. Лекин Навоийнинг машҳурлиги бадий оригинал ижодда эмаслиги бизни ўйга толдиради.

Бобурнинг Навоий ҳақида ёзган қуйидаги битиклари Ғарб тилларига ўгирилган. „Алишербек ...туркий тил била то шеър айтубтурлар, ҳеч ким онча кўп ва хўп айтқон эмас. Олти маснавий назм қилибтур, беши „Хамса” жавобида, яна бир „Мантиқ ут-тайр” вазнида „Лисон ут-тайр” отлиқ. Тўрт газалиёт девони тартиб қилибтур: „Фаройиб ус-сигар”, „Наводир уш-шабоб”, „Бадойиъ ул-васат”, „Фавоид ул-кибар” отлиқ. Яхши рубоиёти ҳам бор. Яна баъзи мусаннафоти борким, бу мазкур бўлгонларга боқа пастроқ воқеъ бўлубтур. Ул жумладин, иншоларини Мавлоно Абдурахмон Жомийга тақлид қилиб жамъ қилибтур...” (233) Яна, „...иншоларини Мавлоно А. Жомийга тақлид қилиб жамъ қилибтур...” сўзлари инглиз, француз, немисча таржималардаги ноқисликлар туфайли ғарбликларни йўлдан адаштирган бўлса керак. Шу боис, аксарият Ғарб олимлари „Навои - форс шоирларининг тақлидчиси”, „таржимони” деган сўзни байроқ қилишди. Шарқ фалсафаси, маданияти, ундаги оқим ва йўналишларни етарлича билмаган, мумтоз сўз санъатимизни ҳис қилмаган буржуа мафкурачилари, ғарблик мунаққидлар шоирга беписандларча муносабатда бўладилар. Бобурнинг „...форсий назмда „Фоний” тахаллус қилибтур, баъзи абёти ёмон эмастур, вале аксар суст ва фурудтур...” (233) қабилдаги сўзлари, Ғарб тилларига номуқобил ўгирилгани Н.Атажонов, У.Сотимов, М.Холбеков ишларида айтиб ўтилган.

Хуллас, Навоийни форсийгўй шоирларнинг тақлидчиси сифатида камситиш Ғарбда узок давом этди. Аҳвол ҳали ҳам ўнганмаган. Илмий жиҳатдан исботланмаган, бу таҳлилу - талқинларни Ғарбда муомалага ким киритган? У.Сотимов „Инкордан икромгача” китобида ёзади: „Шарқшунослик фаолиятини дипломатликдан бошлаган ва XIX асрда Ғарбда... машҳурлик топган Ф.Белен „Осиё” журнали (1861.17-жилд)да чоп этилган „Мир Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижодидан лавҳалар” тадқиқотида... шоирнинг бутун

ижодини тақлидчилик намунаси тарзида талқин этган. ...*„Мир Алишер Навоийнинг фазилатлари, эстетик ва фалсафий қарашлари“* асарида ҳам („Осиё“журн.,1866.8т.),„Навоий-Низомий,Дехлавий,Жомийлар тақлидчиси“ деган ўринсиз даъвони зўр бериб исботлашга уринган. Олимнинг фикрича, „*Бобурнома*“нинг ғарб тилларига бузуброқ ўгирилиши юқоридаги каби ноилмий, асоссиз талқинларнинг куртак отишига сабабчи бўлган”.

Расмий маълумотларга қараганда, „*Бобурнома*“ Англияда 8 мартаба нашр этилган. Бу Шарқ дунёсига европаликлар маънавий эҳтиёжининг кучлилигидандир. Асар уларнинг фақат Шарқ маънавиятига қизиқиши учунгина қайта-қайта нашр қилинмаган. „*Бобурнома*“улар учун нафақат қадимги Турон, кўхна Туркистонни ҳар тарафлама кузатиш мумкин бўлган *дарча* бўлиб хизмат қилган, балки қадимий Ҳиндистон заминини кузатиш учун ҳам.Ахир Бобурийларни инглизлар кулатганини биламиз-ку! Инглизлар Ҳиндистонни забт этиш учун ҳам „*Бобурнома*“га қайта - қайта мурожаат қилганларига, керак бўлганда, таянганларига ҳеч шубҳа йўқ. Зеро, бундан беш аср илгари Бобургина ўша асарида Ҳиндистон халқининг этнографияси, тарихи, географик жойлашуви, табиати ва иқлимини, табиий заҳиралари ва миллий бойликларини, давлат бошқаруви, турмуш-тарзи, ерли халққа хос урф-одатларини аниқ мисоллар билан ёритиб берган. Шу сабаб, мазкур асар дунё миқёсидаги ориенталистлар орасида шов-шувларга сабаб бўлган.

Бинобарин, хорижлик навоийшунослар ўзларига Бобурнинг Навоийга берган баҳосини (аслият матнининг бузилган таржимасини) асос қилиб олишган экан,уларнинг олдинги сафида *Ҳ.Пургштал* каби Шарқдаги хамсачилик анъаналарининг укувсиз шарқшунослари турарди. „Туроннинг бу улкан шоири бетакрор бадииятидан тақлидий тимсоллар излашни Ҳаммер бошлаб берган“,деб ёзади У.Сотимов. Таъкидланганидек, Пургштал 200 нафар Шарқ шоирлари ҳақидаги „*Нафис форс нутқ санъати*“ номли китобида Шарқ шеърлятига хос „*татаббуъ*“ санъати моҳиятини тушуна олмайди, ва *татаббуъ* истилоҳини „*тақлид*“ маъносида қабул қилади.

Форс мумтоз назми нуфузи дунёда устуворлик касб этгани бор гап. Ғарбий минтақаларда *Гёте* Ҳофизни ўзига устоз санагани, шеърларига назира боғлагани маълум.<sup>24</sup> „*Бўрон ва ҳужум*“ оқими курашчиларидан бири, бу ҳаракатнинг фалсафий - эстетик ғояларини ривожлантирган, *Й.Г. Ҳердер* Шарқ поэзиясини севган. Гёте Ҳ.Пургшталнинг маслаҳати билан ўша руҳда, Ҳофиз таъсирида, унинг анъаналарини немис шеърлятида давом эттириб, „*Мағрибу-Машриқ девони*“ни ёзган. Девонга „*Қадимги форсийлар*“, „*Салтанат-хукмдорлик*“, „*Тарихий воқеа - ҳодисалар*“, „*Муҳаммад с.а.в*“, „*Халифаликлар*“,

<sup>24</sup>Goethe J.W., „West-östlicher Divan“. Insel Verlag. (achte erweiterte Auflage).1988. S. 9-124.

„Махмуд Фазнавий” каби тарихий, ижтимоий - сиёсий, маданий - маърифий воқеликлар акс этган мақолалар илова қилинган. Шарқнинг буюк етти алломасига девондан ўрин бериб, ижодига муносабат билдирган. Афсуски, бу ерда Навоий номи учрамайди.<sup>25</sup> Бунинг сабаби нимада? Назаримизда, улар Навоийни англамаганлар ёки англашга қодир эмаслар. Чунки аксарият немис шарқшунослари Навоий қўллаган *чизатой тили*- эски ўзбек тилини билмаган, Навоийнинг хос тили уларга қийинчилик туғдирган. Ёзма нутқимизда адабий тилни қўллаш керак, деймиз. Аммо Навоий тилдаги ҳодисаларни, бу шева ёки адабий тил деб, қисмларга ажратмаган. У туркий қавм ва қабилаларга тегишли сўзлардан ижодида унумли фойдаланган ва ўша давр адабий тилига киритган. Яна шу нарса маълумки, Навоий фақат ўзбек тили доирасида чекланиб қолиб ижод қилмаган. У *турк, форс, араб, мўғул, хитой* янглиғ кўплаб тиллардан сўз олган, ўзича иборалар кашф этган. Жумладан, шох байтлардан мисол:

*Гурбатда гариб шодмон бўлмас эмиш,  
Эл анга шафиқу меҳрибон бўлмас эмиш.*

Мисралардаги „*гурбат, гариб, шафиқ*” араб, „*шодмон, меҳрибон*”лар форс, „*эл*” турк тилидан, „*анга*” „*бўлмас эмиш*” ўзбек тилидан олингандир.

*Оразин ёпқоч кўзимдин сочилур ҳар лаҳза ёш  
Бўйлаким пайдо бўлур юлдуз ниҳон бўлгач қуёш.*

Байтдаги „*оразин*”, „*лаҳза*” араб тилига, „*ҳар*” форс-тожик тилларига мансуб. „*Ниҳон*” эскирган форс-тожик китобий сўздир. Навоий араб, форс - араб, форс-тожик, турк, ўзбек тилларидан унумли фойдаланган. Шоир ижодидаги хослик ғарб шарқшуносларининг ҳафсаласини пир қилар эди. Шу боисдан нисбатан енгилроқ, тушунарлироқ тилда ғазал битган. Ҳофиз Ғарб бадий оламида кўкларга кўтарилди. Навоий форс адабиёти намоёндалари соясида унчалик кўзга ташлангани йўқ. Негаки, Ғарб адабий дунёси форс шоирларининг нафис, оҳангдор шеърляти-ю, „*Бобурнома*”нинг қизик воқеалари тафсилотларига лиммо-лим тўлган эди.

### Навоий ва Ҳаммер Пургштал

Ғарбликарни Кун чиқар мамлакатлари маданияти, адабиёти, Навоий даври ижтимоий - сиёсий аҳволи билан таништирганлардан бири *Ҳаммер Пургштал* (1774-1856)дир. Бу ҳақда Мюнхен университети профессори *Роланд Пийчнинг* „*Ҳаммер-Пургштал ва унинг Навоийга оид битиклари*” тадқиқоти ишончли факт ва маълумотлар беради.<sup>26</sup>

<sup>25</sup> Goethe J.W., „West- östlicher Divan”. Verlagsgesellschaft. Baden - Baden . (achte Auflage. 1988)

<sup>26</sup> Роланд Пийч. Хорижий филология. 2004. 1(10)- сон. Б. 50 -52.

*Хаммер Пургшталл* Вена Шарқшунослик академиясида таълим олган, 1804 йилда, „*Шарқ илмларининг қомусий шархи*“ асарини нашр эттиради. „*Ширин*“ шеърий асарини 1806 йилда яратган. 1810 -1819 йилларда *Х.Пургшталл* раҳбарлигида 6 жилдлик „*Шарқ хазиналари манбаи*“ асари чиққан. 1815-1816 йиллар оралиғида *Хофизнинг „Девон“* ини форсчадан немис тилига ўгириб, чоп эттирган. Гёте девондаги ташбеҳлардан қувват олиб, „*Фарбу-Шарқ девони*“ни битганини эсладик. Унинг Навоийга оид битиклари Венада чоп қилинган (1818) „*Форсийларнинг жозибадор нутқ санъати тарихи*“ асарининг 310-312 бетларидан жой олган. Маълумотни *Х. Пургшталл Силвестр дў Сасининг*

„*Давлатшоҳ ва Сом Мирзо матнлари*“ асосида тузган асаридан немисчага ағдарган. Бу ерда у Навоийнинг насл - насаби, ижтимоий келиб чиқиши, буюк шоир, давлат арбоби сифатида омма орасидаги обрў-эътибори, „*Фоний*“ ва „*Навоий*“ тахаллусларига, шоирнинг халқпарварлиги, бунёдкорлик ишларига эътиборни қаратиб, немисларга батафсил маълумот берган. Мюнхен Лудвич Максимилиан университети профессори, 300 га яқин тадқиқотлар муаллифи *Роланд Пийч* *Хаммер Пургшталлнинг* Навоий ҳақида ёзиб қолдирган маълумотларини, 200 йил муқаддам немис тилида Навоий ҳақида яратилган илк манба бўлиши эҳтимолдан холи эмас, деган фикрга келади. Бироқ, *Роланд Пийчнинг* бу мулоҳазаси бироз баҳсли бўлиб, яқуний фикрга келиш махсус изланишлар қилишни тақоза этади.

*Хаммер .Пургшталл* Вена ФА президенти пайтида ҳам илмий - ижодий фаолиятини сусайтирмаган. *Р.Пийчнинг „Хаммер Пургшталл ва унинг Навоийга оид битиклари“* тадқиқотида келтирилган „*Чигатой султонлари*“ атамаси мантиқан қараганда ҳақиқатдан йироқ, чунки 1370 йилда Мовароуннаҳр амири деб эълон қилинган Амир Темур ҳаётлигидаёқ, Хуросонни ўз ичига олган Марказлашган давлат барпо этган даврдан бошлаб бу буюк давлатни бошқариш темурий Султонлар ихтиёрига ўтган. *Иккинчидан,* муаллиф „*Алишернинг отаси Баҳодирнинг ўғли*“ деганда, Алишербекнинг отаси *Гиёсиддин Муҳаммаднинг,* эл орасида, „*Кичкина баҳши*“, „*Гиёсиддин Кичкина*“ номларига эмас, халқ орасида машҳур бўлган „*Баҳодир, Кичкина Баҳодир*“ сингари лакабларига кўпроқ урғу берган.

*Хаммер Пургшталлнинг* илмий мероси, гарчи у Навоийни Фарбда тарғиб қилишда чалкашликларга йўл қўйган бўлса-да, Фарб бадий - илмий адабиётини Шарқ маънавий-маърифий дурдоналари билан мислсиз даражада бойитди. У қолдирган адабий-илмий мерос, неча асрлар, Мағрибу-Машриқда янги авлодлар учун, ўтмиш салафлари яратган сўз жавоҳирларини ўрганишда, мағзини чақишда муҳим манба бўлиб хизмат қилаверади.